

## ТИҚХММИ Бухоро филиалига ташриф

ТИҚХММИ, Илмий бўлим бошлиғи Б.Матякубов ТИҚХММИ Бухоро филиалига ташриф жараёнида, директор Ш.Ж.Имомов билан учрашди. Бухорога ташриф бўйича хизмат сафар режалари билан филиал раҳбарияти тўлиқ таништирилди.



Шу куннинг ўзида режадан ташқари ТИҚХММИ Бухоро филиалининг “Сув хўжалиги ва мелиорация” кафедраси мудири И.Худаевнинг таклифига Б. Матякубов ташриф буюрди. Ташриф жараёнида 006.01.02 - “Мелиорация ва суғорма дехқончилик” ихтисослиги бўйича докторантларнинг 6 ойлик ҳисоботлари тингланди.



Хисобот якунида проф.Б.Матякубов мустақил тадқиқотчилар, докторантлар ҳамда магистрлар билан учрашди. Ҳамда келгусидаги бажарилиши керак бўлган режалаштирилган илмий тадқиқот ишлари ва уларни амалга ошириш бўйича тушунчалар бериб ўтди. Шу билан бир қаторда қишлоқ ва сув хўжалиги тизимида мавжуд бўлган муаммолар ҳамда уларни ечиш усуллари, илмий-инновацион ғоялар ва лойиҳаларни шакллантириш бўйича ўзаро суҳбатлашди.

**T.f.d.,prof.v.b. F.Jo'raev TIQXMMI Buxoro  
filialai ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo'yicha  
direktor o'rinbosari.**